



ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ: ЖАНУБИЙ КОРЕЯ

Рўзиев Абдумалик Артигалиевич -
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
докторанти, и.ф.н.

doi:<https://doi.org/10.55439/ECED/vol23.iss6/a75>

Аннотация. Иқтисодиётни рақамлаштириш соҳасидаги стратегик дастурлар иқтисодиётни янада ривожлантиришининг асосий ташабуслари ҳисобланади. Жанубий Корея мисолида иқтисодиётни рақамлаштириш соҳасидаги стратегик дастурларни ўрганиши, иқтисодиётнинг рақамли трансформацияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ва стратегик дастурларни амалга оширишнинг мумкин бўлган йўналишларини шакллантириш усуллари аниқланди, стратегик дастурларни ишлаб чиқишдаги мақсад ҳамда устуворликлар таҳлил қилинган, ўзаро солиширилган ва хуносалар ишлаб чиқилган.

Ключевые слова: рақамли иқтисодиёт, рақамли трансформация, рақамли иқтисодиёт стратегияси, инновацион ривожланиши, Кореяning янги йўналиши, интенсив йўналиши, қиёсий таҳлил, тарихий ёндашув, статистик ва динамик усуллар, формал-мантиқий усул.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗРАБОТКИ ЦИФРОВОЙ СТРАТЕГИИ ЭКОНОМИКИ: ЮЖНАЯ КОРЕЯ

Рузиев Абдумалик Артигалиевич -
к.э.н., докторант Высшей школы бизнеса
и предпринимательства

Аннотация. Стратегические программы в области цифровизации экономики рассматриваются как основные инициативы дальнейшего развития экономики, изучение стратегических программ в области цифровизации экономики на примере Южной Кореи выявило методы решения проблем, связанных с цифровой трансформации экономики и формированию возможных направлений реализации стратегических программ проанализированы цели и приоритеты развития стратегических программ, сопоставлены и сделаны выводы.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровая трансформация, стратегия цифровой экономики; инновационное развитие, новое направление Кореи, интенсивное направление, сравнительный анализ, исторический подход, статистические и динамические методы, формально-логический метод.

FOREIGN EXPERIENCE IN DEVELOPING A DIGITAL ECONOMIC STRATEGY: SOUTH KOREA

Ruziev Abdumalik Artigalievich -
Doctoral student, PhD (in economics) at the Graduate
School of Business and Entrepreneurship

Annotation. Strategic programs in the field of digitalization of the economy are considered as the main initiatives for the further development of the economy, the study of strategic programs in the field of digitalization of the economy on the example of South Korea revealed methods for solving problems related to the digital transformation of the economy and the formation of possible directions for the implementation of strategic programs, goals and priorities were analyzed development of strategic programs are compared and conclusions are drawn.

Key words: digital economy, digital transformation, digital economy strategy; innovative development, new direction of Korea, intensive direction, comparative analysis, historical approach, statistical and dynamic methods, formal-logical method.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётида рақамлаштириш жараёнларининг ривожлантириб борилиши кўплаб мамлакатларнинг илмий, ишлаб чиқариш ва инновацион сиёсатини амалга ошириш мақсадлари йўналишини аниқлаш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш усуллари ҳамда воситаларига бевосита ўз таъсирини кўрсатади. Жаҳон амалиётида рақамли трансформацияни шакллантириш ва амалга оширишнинг турли даражадаги интенсив йўналишларини (тармоқлар ва худудлар) танлашда кўплаб ёндашувлар ишлаб чиқилган. Ижтимоий-иктисодий тармоқ-

ларни рақамлаштириш жараёни инновацион ривожланишнинг асосий босқичи бўлганлиги боис мамлакатнинг умумий инновацион сиёсати нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши зарур.

Жанубий Корея дунё ҳамжамиятида инновацион ривожланишда етакчи ўринларда бўлган давлат сифатида ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш борасидаги тажрибаси билан намуна бўлиб келаётган мамлакат ҳисобланади.

Корея Республикаси 2014-2019 йилларда мунтазам юритиладиган Bloomberg Innovation Index рейтингида етакчилик қилиб келди [1],

фақат 2020 йилга келиб, бу рейтингда Германия етакчилик қилди, бир йилдан сўнг ўз маҳенини қайта тиклаб, яна дунёда биринчи ўринга чиқиб олди [3]. Корея Республикаси рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича такомиллашиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) сектори мавжуд (2020 йил етакчиси [5]), дунёда биринчи бўлиб умуммиллий миқёсда 5G нинг жорий этган, ривожланган рақамли инфратузилмага эга, умумий фойдаланишда аҳолига юқори тезлиқдаги интернетдан фойдаланиш имкониятини тақдим этувчи етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади [9].

Айни вақтда Жанубий Корея ўзининг инновацион иқтисодий ривожланиш сиёсатини фан-техника ютуқларини қўллаш, мамлакат барқарор ривожланишининг асосий омили эканлигини таъкидлаган ҳолда олиб бормоқда. Мамлакатда 2020 йилда қабул қилинган "Korean New Deal" концепциясини амалга оширишда иқтисодий ўсишнинг янги манбаларини тадқиқ этиш бўйича жорий этилган стратегик дастурлар мажмуаси учта асосий йўналишга йўналтирилган: рақамлаштириш, экологик тоза ва ижтимоий йўналиш (иш ўринлари яратиш). "Korean New Deal" (Кореяning янги йўналиши) Жанубий Корея давлатининг рақамли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқищдаги табиий босқич бўлиб, мазкур мақоланинг мақсади Саноат 4.0 концепциясига мослашиш жараёнлари бошланиши билан амалга оширилган ёки тасдиқланган инновацион ривожланиш стратегияларини таққослаш йўли билан бу концепциянинг хусусиятларини аниқлаш ҳисобланади.

Жанубий Кореяда рақамлаштириш бўйича амалга оширилган стратегик дастурларнинг асосий таснифлари, мақсадларини таҳлил қилиш ва таққослаш, юқори натижаларни эгаллашига олиб келган қонуниятларини аниқлаш Ўзбекистонда олиб борилаётган рақамли иқтисодиётни ривожлантириш жараёнларига тавсияларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш турли йўналишларда кўриб чиқилган кўплаб хорижий ва маҳаллий муаллифларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган бўлиб, бу тадқиқотларда "рақамли иқтисодиёт", "рақамли трансформация" тушунчаларига асосан хос йўналишлардан келиб чиқиб, умумий хусусиятга эга бўлмаган турли талқинлар берилган.

Х.Кагерманн, В.Уолстер, Дж.Хелбиг каби олимлар Саноат 4.0 концепциясини ўрганишда унга мослашувдаги устунликлар ва мавжуд тўсиқларни таҳлил қилиб, Саноат 4.0 муҳандислик, режалаштириш, ишлаб чиқариш, операцион ва логистика жараёнларида энг юқори сифат

стандартлари билан бирга кўпроқ мослашувчанлик ва ишончлиликни таъминлайди. Бу харажат мавжудлик ва ресурсларни истеъмол қилиш каби турли мезонлар асосида оптимальлаштирилиши мумкин бўлган динамик, реал вақт режимида оптимальлаштирилган, ўз-ўзини ташкил этувчи қиймат занжирларининг пайдо бўлишига олиб келади. Бунинг учун тегишли меъёрий-хукуқий база, шунингдек, стандартлаштирилган интерфейслар ва уйғунлаштирилган бизнэс жараёнлар керак бўлади [8].

А.Калабрезе, М.Дора, Н.Л.Гирон Саноат 4.0ни таъминловчи технологияларнинг турли синфлари мавжудлиги тўғрисида фикр билдириб, уларнинг бизнес-мақсадга эришишда турли тўсиқларнинг олдини олишда мумкин бўлган турли механизмларини келтиради ҳамда Саноат 4.0ни таъминлайдиган технологиялар, тўсиқлар ва мақсадлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилувчи яхлит асосни тақдим этган [11].

С.Чаухан, А.Сингх ва С.Лутра томонидан ҳам Саноат 4.0ни жорий этиш ёки рақамлаштириш учун бир қанча тўсиқлар мавжудлиги, рақамлаштиришдаги бу ички ва ташқи тўсиқлар салбий таъсир қилиш хусусиятига эга бўлиб, Саноат 4.0 жорий этилиши операцион самардорликни, шунингдек, таъминот занжирни имкониятларини кенгайтириши тўғрисида фикр билдирилган [15].

Бу илмий ишланмаларда келтирилган хулосаларга асосланиб, ҳал этилиши лозим бўлган мавжуд муаммоларни умумлаштирган ҳолда куйидаги масалалар гуруҳига ажратиш мумкин:

- стратегик масалалар: рақамлаштиришнинг афзалликлари ва жорий этиш харажатларининг ноаниқлиги, кичик ва ўрта бизнесда бу жараёнларга манбаатдорликнинг етарли эмаслиги (шу жумладан, чекланган инвестиция имкониятлари сабабли), қўллаб-қувватловчи қулай институционал шарт-шароитнинг яратилмаганлиги, саноатни рақамлаштириш бўйича таклиф этилган ташаббусларнинг хукumat томонидан қўллаб-қувватланмаслиги;

- инсон капитали: бандлик ва ишсизлик муаммолари, янги фаолият жараёнларига мослашиш ва малака ошириш зарурати, билимларни бошқариш учун зарур тизимларнинг яратилмаганлиги;

- технологик жиҳозлар: стандартлар ва этalon архитектура яратилмаганлиги, ўзаро мослиқ ва киберхавфсизлик муаммолари, юқори тезлиқдаги Интернет ва АТ-инфратузилмаси билан тўлиқ қамраб олинмаганлиги;

- хавфсизлик саволлари: киберхавфсизлик, хусусан, рақамли эгизакларни яратиш ва қўллаш, истеъмолчи ва ходимларнинг шахсий маълумотларини қайта ишлаш ҳамда ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан, саноат хавфсизлиги.

Рақамлаштириш бўйича ишлаб чиқилган миллий стратегиялар бутунлай жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини кўллаб-қувватлаш учун ва алоҳида кичик гуруҳлар фаронлигига урғу берган ҳолда ахборот технологияларидан қандай фойдаланиш кераклиги тўғрисидаги умумий қарашларни акс эттиради [12]. Одатда, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шунингдек, рақамли технологияларга ўтиш жиддий тўсиқлар билан боғлиқ бўлган ва рақамли тафовутнинг шаклланишига олиб келиши мумкин бўлган гуруҳлар алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган қуий гуруҳлар сифатида ажратиб олинади. Турли мамлакатлар стратегияларини солиштиришни ўз ичига олган миллий рақамлаштириш стратегияларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалалар ечимиға бағишлиланган фикрлар илмий ишларда [8, 17] ўз аксини топган.

Тадқиқот методикаси. Тадқиқ этилаётган соҳада давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг яхлит тасаввурини олиш учун бошқарув тадқиқотининг сифатли усуслари ҳисобланадиган солиштирма таҳлил, тарихий ёндашув, статистик ва динамик усуслар, формал-мantiқий усуслардан фойдаланилди. Тадқиқотда Саноат 4.0 концепциясини мослаштириш йўналиши қабул қилинган 2014 йилдан кейин чиқарилган дастурлар, шунингдек, Жанубий Корея ҳукуматининг расмий манбалари ва тегишли вазирликларининг статистик маълумотларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Корея Республикасида рақамли иктисодиётни ривожлантириш бўйича самарали тадбирларнинг амалга оширили-

ши натижасида 2021 йилда иктисодиётни рақамлаштириш даражаси бўйича юқори кўрсаткичларга эришди ва инновацион технологияларни ривожлантириш ҳамда рақамли инфратузилмани яратишга фаол сармоя киритаётган Сингапур, Гонконг ва АҚШ каби етакчи давлатлар гуруҳига киритилди [14]. Жанубий Кореянинг кўрсаткичлари ва етакчилик мавқеининг яхшиланиши сўнгги бир неча йил ичida самарали амалга оширилган рақамлаштириш сиёсати билан боғлиқ бўлди.

Мамлакатнинг саноат ривожланишида йирик конгломератлар (чеболлар)нинг яратилиши ва узоқ муддатли кўллаб-қувватланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди, ammo 1980 йилларнинг охиридан бошланиб, 1990 йилларда ҳам давом этган Осиё молиявий инқизориздан кейин ҳукуматнинг “иктисодиётнинг фақат йирик саноат конгломератларига таяниб қолиши бозордаги тебранишларга ўта сезгир ва таъсирчан қилиб қўяди” деган холосага келиши натижасида шу вақтдан бошлаб давлат сиёсати босқичмабосқич КЎКни кўллаб-қувватлашга, шу жумладан, уларни рақамли трансформация жараёнларига ва йирик бизнес билан ўртасида ҳамкорлик ўрнатишга фаол жалб қилишга йўналтирилди. Тадқиқот ва ишланмалар инновацияларнинг асосий манбаи бўлганлигидан Корея Республикасида илмий-тадқиқот фаолиятига инвестицияларни кўпайтириш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини (ИТТКИ) рағбатлантириш ҳамда кичик ва ўрта корхоналарни (КЎК) кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди (1-жадвал).

1-жадвал

2010 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда ИТТКИ ишларига сарфланган харажатлар ЯИМга нисбатан фоизда

Давлатлар	Йиллар										
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Исройл	3,92	4	4,14	4,07	4,16	4,26	4,51	4,66	4,8	5,14	5,44
Жанубий Корея	3,32	3,59	3,85	3,95	4,8	3,98	3,99	4,29	4,52	4,63	4,81
АҚШ	2,74	2,77	2,68	2,71	2,72	2,78	2,85	2,9	3	3,17	3,45
Германия	2,73	2,81	2,88	2,84	2,88	2,93	2,94	3,05	3,11	3,17	3,14
Хитой	1,71	1,78	1,91	2	2,02	2,06	2,1	2,12	2,14	2,24	2,4
Россия	1,13	1,02	1,03	1,03	1,07	1,01	1,1	1,11	0,99	1,04	1,1
Ўзбекистон	0,15	0,15	0,16	0,16	0,15	0,16	0,17	0,15	0,12	0,11	0,14
Қозогистон	0,15	0,15	0,17	0,17	0,17	0,17	0,14	0,13	0,12	0,12	0,13
Тоҷикистон	0,09	0,12	0,11	0,12	0,12	0,1	0,11	0,11	0,09	0,09	0,09
Қирғизистон	0,16	0,17	0,17	0,15	0,13	0,12	0,11	0,11	0,1	0,9	0,09

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

“I-Korea 4.0” стратегиясини амалга ошириш доирасида Саноат 4.0 тамойилларини татбиқ этишга кўмаклашиш мақсадида Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги ҳайдовчисиз бошқариладиган автомобиллар, буюмлар интернети, ярим ўтказгичлар ва дисплей йўналишлари-

да ИТТКИга ажратилган харажатлар 2018 йилда умумий бюджетининг 30 фоизини ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб, бу улушни 50 фоизгача ошириш режалаштирилди.


Корея ҳукуматининг кичик бизнес тадқиқотлари ва инновациялари (KOSBIR) дастури

ҳамда КўҚни ривожлантириш учун ИТТКИга грантлар ажратиш орқали ИТТКИни қўллаб-қувватлаши ИТТКИ, интеллектуал мулк ҳуқуқларини рўйхатга олиш ҳамда моддий ва инсон капиталига корпоратив инвестициялар киритилишининг ортишига олиб келди [11].

Илмий тадқиқот ва технологик ишланмаларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши илм-фанга давлат томонидан ажратиладиган маблағларнинг кўпайиши, маҳаллий компанияларнинг инновацион лойиҳаларга сармоя киритишида фаол иштирок этиши, технологик ишланмалар устида ишлашга хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди [4]. Шу билан бирга, инновацион ривожланиш сиёсати такомиллашибдириши талаб қилди, натижада Корея Республикасида ички ва ташқи иқтисодий ислоҳотларни олиб борилиши КўҚда янги инновацияларнинг жорий этилиши ҳамда ўрта синф қатламидан янги ижтимоий гурӯҳ – креативлар синфи-

нинг ажратиб олиниши ҳисобига шаклланадиган креатив иқтисодиётни яратиш бўйича янги стратегиянинг пайдо бўлишига олиб келди [7]. Аста-секин асосий эътибор креатив синфи шакллантиришдан рақамли ва инновацион етакчилик қилишининг асосий омили бўлган инсон капиталини ривожлантиришга қаратилди.

Ҳозирда Жанубий Кореядаги Сеноат 4.0 концепцияси (2-расм) асосланган давлат дастурларининг амалга оширилиши натижасида илғор инновацион технологиялар қўлланилмоқда. Жумладан, 2014 йилдаги “Manufacturing Innovation 3.0 Initiative” ва 2017 йилдаги “I-Korea 4.0” ташабbusлари айнан шу концепция таъсирида яратилган [10]. Шу билан бир вақтда мамлакатда инвестиция киритишининг устувор тармоқларини белгилаб берувчи иқтисодий ўсишнинг янги манбаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш дастурлари амалга ошириб келинади.



1-расм. Жанубий Кореядаги рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича стратегик ташабbusлар (дастурлар)

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.


Бундай дастурларга қўйилган асосий мақсад КўҚнинг катта қисми молиявий жиҳатдан давр талабларига жавоб бера оладиган имконларга эга эмаслиги сабабли бу корхоналарга ўз фаолиятида инновацион технологиялардан фойдаланиш имконини яратишдан иборат. Бундан ташқари давлат КўҚ субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик, тажриба ва интеллектуал ишлаб чиқариш технологиялари билан алмасиш жараёнларини олиб бораётган йирик компанияларни ҳам рағбатлантириб келади.

АҚТ соҳасида асосий рақобатчи, хусусан, Хитой ва Япония давлатларининг географик жиҳатдан яқин жойлашганлиги; иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилганлиги ва йирик конгломератларга асосланганлиги; саноат секторига катта инвестициялар киритилаётганлиги; IT-

секторида АҚШ компаниялари билан рақобатнинг мавжудлиги; иқтисодиётда КўҚ аҳамиятини ошириш зарурати каби ҳолатларнинг келиб чиқиши Корея саноатига Сеноат 4.0 концепциясининг жорий этилишига сабаб бўлди.

Бу кўрсатилган сабабларга асосланиб, Сеноат 4.0 концепциясини амалга оширишдаги асосий ҳаракатлантирувчи омиллар ва муаммоларни аниқлаш мумкин (2-расм).

Сеноат 4.0 концепциясини жорий этиш жамият ҳаётининг кенг доирасини қамраб олган ва тўртинчи саноат инқилоби бўйича Президент кўмитаси (Presidential Committee on the Fourth Industrial Revolution, PCIFR) улардан энг муҳимлари сифатида куйидагиларни белгилаб берди:



2-расм. Жанубий Кореяда Industry 4.0: ҳаракатлантирувчи омиллар ва муаммолар
Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

-инновация ва интеллектуал технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни яратиш ва саноатнинг асосий тармоқларини мустаҳкамлаш;

- эътиборни энг кескин ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратган ҳолда аҳолининг турмуш даражасини ошириш;

- сифатли иш ўринларини яратиш ва меҳнат бозоридаги ўзгаришларга тайёргарлик доирасида ижтимоий таъминот тизимини мустаҳкамлаш;

- жаҳон даражасидаги хавфсиз интеллектуал технологиялар, барча фойдаланиши мумкин бўлган инновацион технологияларни яратиш.

Жанубий Кореяда 2014-2020 йилларда қабул қилинган рақамли технологияларни жорий этиш бўйича стратегик ташабbusларнинг асосий хусусиятларини қўйидагича таҳлил қилиш мумкин.

Manufacturing Innovation 3.0 Initiative (2014-2017). Бу ташабусда бешта асосий тамоийил ажратиб кўрсатилади [2]:

1. Бозордаги барча иштирокчиларнинг тўлақонли ўзаро ҳамкорлиги (йирик корпорациялардан кичик корхоналаргача).


2. КЎҚ субъектлари ўртасида ўз ишлаб чиқаришига инновацион технологияларни жорий этиш бўйича ташабbusини қўллаб-куватлаш.

3. Бозор иштирокчиларининг АТ-соҳадаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиги.

4. Амалга оширилаётган технологик ўзгаришларнинг мослашувчанлиги ва шаффофлиги.

5. Компаниянинг ҳар бир ходимини, хусусан, бош директорларни компанияни инновацион қайта шакллантириш жараёнига жалб қилиш.

Бу ташабbusнинг мақсади ишлаб чиқариш технологияларини янгилаш ва муҳим технологияларга инвестицияларни жалб қилиш ҳисобланади (3-расм).



3-расм. “Manufacturing Innovation 3.0 Initiative” дастурининг асосий йўналишлари
Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

“Manufacturing Innovation 3.0 Initiative” дастурининг амалга оширилиши “Ақлли фабрика” концепциясининг, хусусан, КўК субъектлари орасида кенг тарқалишида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу концепция ишлаб чиқариш жараёнида нуқсонли маҳсулотлар тайёрлаш даражасини тушириш ва ҳаражатларни камайтириш, захира-ларни самарали бошқаришни кўзда тутади. Қайд этиш жоизки, бошқа мамлакатлардан фарқли равишда, Кореяда “ақлли фабрика” концепцияси ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш бўйича умумий дастур доирасида амалга ошириладиган саккизта – киберфизик тизимлар, буюмлар интернети, булатли ҳисоблаш (булатли ишлаб чиқариш), катта маълумотлар, аддитив ишлаб чиқариш (3D босма), датчиклар, энергия тежамкорлик ва кенгайтирилган ҳақиқатдан (AR) иборат устувор йўналишларни ўз ичига олади [7].

Корея Республикасида “Manufacturing Innovation 3.0 Initiative” доирасида Инчхон шаҳрининг таркибига кирувчи ва Сонгдо (Songdo IBD) деб номланувчи келажак шаҳрини яратишга ҳаракатлар олиб борилди. Шаҳарда турли “ақлли уй” ва “ақлли шаҳар” технологиялари синовдан ўтказилиб, татбиқ этилди ва шу орқали шу йўналишдаги кейинги лойиҳаларни амалга оширишга халқаро инвесторларнинг эътибори жалб этилмоқда [17].

2014 йилда АҚТ соҳасида инновацион старт-аплар учун қулай муҳит яратувчи ва бар-қарор иқтисодий ўсишнинг асоси сифатида аҳамиятли бўлган худудий инновацион марказлар қурилиши бошланди. Худудий марказлар старт-аплар ва янги иш бошлаган тадбиркорларга мина-тақавий ёки халқаро инвесторларни топиш, маҳсулотни синовдан ўтказиш ва пировардида маҳсулотни ташқи ёки ички бозорга олиб чиқишига имкон бериб, технопарк ва бизнес-инкубаторларга ўхшаш функцияларни амалга оширади.

I-Korea 4.0 (2017-2022). 2017 йилнинг июль ойида Жанубий Корея ҳукумати давлат ишларини бошқаришнинг 100 та энг муҳим сиёсий мақсад белгилаб берилган беш йиллик режани тақдим этди. Бу режанинг концепциясида улардан бири умумий фаровонлик иқтисодиётини яратишдан иборат бўлган бешта асосий йўналиши белгилаб берди. Бу йўналиш доирасида инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали 4-саноат инқилобига тайёргарлик кўриш, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектлари билан ҳамкорликда ижодий ғоялар ва старт-апларни кўллаб-куватлаш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилди.

2018 йилда Жанубий Корея иқтисодиётининг беш йиллик “Инновацион ҳаракатлантирувчи кучлар” (Innovation Growth Engine) ривож-

ланиш дастурида кўрсатилган инновацион тармоқларни кўллаб-куватлаш мақсадида инновацияларни ривожлантиришни янада рафбатлантириш ва энг янги технологияларни жорий этиш учун зарур бўлган платформа кўринишидаги рақамили инфратузилмани яратишни назарда тутадиган “Инновацион платформа дастури” (Innovative Platform Programme) тасдиқланди. Дастурда инвестициялар киритишни учта асосий – ахборотли иқтисодиёт, сунъий интеллект ва водород иқтисодиёти йўналиши билан бирга инсон капиталини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Қайта тикланадиган энергия манбаи, “ақлли фабрика” ва электромобил соҳалари ИТТКИни молиялаштиришдаги устувор тармоқлар ҳисобланиши билан бирга, КўК соҳасини рақамлаштиришни молиялаштириш бўйича ҳам мамлакат бюджетидан салмоқли маблағ ажратилган.

Korean New Deal (2020-2025). 2020 йилнинг июль ойида асосий ғоясига иқтисодиётни коронавирус инқирози оқибатларидан тиклаш кўйилган “Кореяниг янги йўналиши” (Korean New Deal) концепцияси стратегик дастур сифатида жорий этилди. Дастур хусусий инвестициялар билан катта синергияни таъминловчи ва иш ўринлари яратишга имкон берадиган рақамли лойиҳаларга эътибор қаратади ҳамда уч йўналишдаги фаолиятни ўз ичига олади [6]:

- янги рақамли йўналиш Жанубий Кореяниг рақамли салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ва АҚТ соҳасида унинг рақобатдош устунлигини мустаҳкамлайди;

- янги яшил йўналиш қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш даржасини ошириш ва иссиқхоналардан чиқаётган газ чиқиндиларини минимал даражага тушириш, кам углеродли, кейинчалик эса мутлақо “углеродсиз” иқтисодиётга ўтиш мақсадларини кўзда тутади;

- янги ижтимоий йўналтирилган йўналиш иқтисодий ўтиш жараёнларидан орқада қолиб кетиш риски юқори бўлган инсон ва тармоқларни ҳимоя қилиш тадбирларини ўз ичига олади, хусусан, рақамли тафовут шароитида инсон капиталининг аҳамияти тўғрисидаги ғояни ривожлантиради.

Ҳозирги вақтда КўКда чеболларга нисбатан етук малакали ишчиларнинг етишмаслиги ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имконияти чекланганлигида ўз аксини то-паётган тафовутни қисқартириш мақсадида рақамлаштиришга инвестициялар ҳажмини ошириш режалаштирилмоқда [13]. Жанубий Корея ҳукумати мамлакатдаги аҳолининг қарийб 83 фоизини иш билан таъминлаётган компанияларининг 99 фоизи КўКга тегишли эканлигини эътиборга олган ҳолда маҳаллий КўК ва старт-

апларга мамлакат рақобатбардошлиги ўсишнинг асосий манбай сифатида қарайди ва уларни қўллаб-кувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хуласа ва таклифлар. Стратегик дастурларини таҳлил қилиш Жанубий Кореяning инновацион сиёсатига хос бўлган қуйидаги хусусиятларни аниқлашга имкон берди:

1. Қабул қилинган ривожланиш стратегиялари узлуксизлиги ва ташқи муаммолар туфайли устуворликларни босқичма-босқич ўзгартириб бориш жиҳатлари билан тавсифланади.

2. Корея сиёсати босқичма-босқич барқарор ривожланиб бормоқда, буни инклузив ўсишни йўлга қўйиш, фаровонлик даражасини ошириш ва худудларнинг ўйғунлашган ривожлантирилиши устувор вазифалар сифатида қаралган навбатдаги "I-Korea 4.0" дастурида ҳам кўриш мумкин.

3. Асосий рақамли технологиялар тўпламига ўзгартирishлар киритилса-да, асосий эътибор 2014 йилдаёк танлаб олинган технологиялар рўйхатига урғу бериш тенденцияси сақланиб қолаётганлиги мамлакат инновацион ривожланишининг барча иштирокчиларида зарур компетенцияларни босқичма-босқич шакллантириб боришга имкон бермоқда.

4. Кўнни қўллаб-кувватлаш тизими ривожланишини мақсадли рафбатлантириш ва чеболларнинг рақобатга кўрсатадиган таъсирини чеклашдан ийрик бизнес ҳамда давлат билан ўзаро ҳамкорлигини ўрнатишгача бўлган жараёнлар трансформацияга учрайди.

5. Саноатни ривожлантиришнинг жаҳон тенденциялари, инновациялар ва ниҳоят, экотизимга бўлган муносабатдаги ёндашувларга боғлиқ равишда стратегик дастурларни амалга оширишда масъул вазирликлар ўзгариб боради. "Korean New Deal" алоҳида соҳа ва тармоқларнинг ўзаро ҳамкорлигига қаратилганлиги учун турли вазирликлар томонидан амалга оширилади.

Корея Республикаси рақамли ривожланиш бўйича етакчи давлатлардан бири бўлиб, бу кўп жиҳатдан тўғри йўналишда олиб борилаётган инновацион сиёсат натижасидир. Учта стратегияни таҳлил қилиш натижаларига кўра, дастурларнинг узлуксизлиги, инновацияларни рафбатлантириш, Кўнни истиқбол иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида қўллаб-кувватлаш, ташқи таъсирларга жавобан стратегияларни

таҳрирлаб бориш ва ижтимоий муаммоларни ҳисобга олиш қонуниятлари аниқланди.

Корея Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш доирасида олиб борилаётган тадбирларни таҳлил қилиш ва таққослаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хуласаларга келинди:

1. Корея Республикасида сиёсий раҳбариятнинг даврий равиша ўзгариб турганлиги мамлакат инновацион сиёсатига нисбатан ривожланиш мақсадлари ва устувор йўналишларидаги узвийликка таъсир кўрсатмаган.

2. Жанубий Кореяда рақамли тафовутни бартараф этиш "Кореяning янги йўналиши" стратегик дастури доирасида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида рақамли ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишида рақамли тафовутни бартараф этиш масалаларига алоҳида этибор қаратилиши ҳам бу жараёнларнинг янада самарали бўлишига олиб келади.

3. Корея Республикасида ҳозирги кунда чеболларнинг аҳамияти эътироф этилган ҳолда, уларнинг Кўнга нисбатан рақобатчилик таъсирини чеклаш чоралари амалга оширилмоқда. Шу билан бир вақтда, чеболлар инновациялар манбай бўлишда давом этаётганлиги сабабли давлат томонидан Кўн билан уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Жанубий Кореяning стратегик дастурларини таҳлил қилиш натижаларига асосланиб, Ўзбекистон иқтисодиётни учун долзарб бўлган қуйидаги хуласаларни чиқариш мумкин:

- иқтисодий ўсишнинг мумкин бўлган манбаи сифатида Кўнни ривожлантириш ва қўллаб-кувватлаш алоҳида ажратиб олинган ҳолатда эмас, балки ийрик бизнес субъектлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ;

- муайян технологиялар билан ишлашга инвестиция киритилиши бўйича тўпланиб борувчи самарани таъминлаш ва олиб борилаётган ислоҳотларни компаниялар ҳамда жамоатчилик томонидан қаршилик кўрсатилишини камайтириш учун инновацион ривожланиш стратегиялари изчил тартибда ўзгаририб борилиши лозим;

- рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича стратегия фақат технологик саволлар билан чекланиб қолмаслиги зарур ва ижтимоий муаммоларни ечиш учун янги технологиялардан фойдаланишни ўз ичига олиши мумкин.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bloomberg Innovation Index 2019 [Электронный ресурс]. URL: <https://datawrapper.dwcdn.net/3hi40/2/?abcnewseembedheight=550>.
2. Wiktorsson M., Noh S.D., Bellgran M. et al. Smart factories: South Korean and Swedish examples on manufacturing settings. // Procedia Manufacturing. 2018. Vol. 25. P. 471-478. DOI: 10.1016/j.promfg.2018.06.128.

3. Jamrisko M., Lu W., Tanzi A. South Korea leads world in innovation as U.S. exits top ten [Электронный ресурс]. // Bloomberg. 2021. 3 февр. URL: <https://www.bloomberg.com/news/articles/2021-02-03/south-korea-leads-world-innovation-u-s-drops-out-of-top-10>.
4. Jones R., Kim M. Fostering a creative economy to drive Korean growth. // OECD Economics Department Working Papers. 2014. № 1152. 38 p. DOI: 10.1787/5jz0wh8xkrf6-en.
5. The global competitiveness report 2020. How countries are performing on the road to recovery. Special ed. / Ed. by K. Schwab, S. Zahidi [Электронный ресурс]. // World Economic Forum: 2020. P. 18. URL: http://www3.weforum.org/docs/WEF_TheGlobalCompetitivenessReport2020.pdf. 18 Ibidem.
6. Korea's 2016 Growth Strategy [Электронный ресурс]. // The G20 Research Group. 2016. P. 2-9. URL: <http://www.g20.utoronto.ca/2016/2016-growth-korea.pdf>.
7. Кукла М.П. Политика по созданию креативной экономики в Южной Корее. // Азимут научных исследований: экономика и управление. 2016. Т. 5, № 2. С. 148-151.
8. Kagermann H. Wahlster W., Helbig J. Recommendations for implementing the strategic initiative INDUSTRIE 4.0 / Final report of the Industrie 4.0 Working Group. München: National Academy of Science and Engineering, 2013. – 82 p.
9. OECD economic surveys: Korea. Overview [Электронный ресурс]. // OECD. 2020. P. 35. URL: <https://www.oecd.org/economy/surveys/korea-2020-OECD-economic-survey-overview.pdf>.
10. Piccarozzi M., Aquilani B., Gatti C. Industry 4.0 in management studies: A systematic literature review. // Sustainability. 2018. Vol. 10, № 10. P. 3821. DOI: 10.3390/su10103821.
11. Calabrese A., Dora M., Ghiron N.L. et al. Industry's 4.0 transformation process: How to start, where to aim, what to be aware of. // Production Planning and Control. 2020. DOI: 10.1080/09537287.2020.1830315.
12. Sandoval-Almazán R., Luna-Reyes L.F., Luna-Reyes D.E. et al. Building digital government strategies: Principles and practices. Cham: Springer, 2017. – 131 p. DOI: 10.1007/978-3-319-60348-3.
13. Schwak J., Frassineti F. Unlocking the potential of start-ups: South Korea's efforts to curb the dominance of chaebol [Электронный ресурс]. // ISPI. 2021. 19 арп. URL: <https://www.isponline.it/en/pubblicazione/unlocking-potential-start-ups-south-koreas-efforts-curb-dominance-chaebol-30034>.
14. Chakravorti B., Bhalla A., Chaturvedi R.S. Which economies showed the most digital progress in 2020? [Электронный ресурс]. // Harvard Business Review. 2020. 18 дек. URL: <https://hbr.org/2020/12/which-economies-showed-the-most-digital-progress-in-2020>.
15. Chauhan C., Singh A., Luthra S. Barriers to Industry 4.0 adoption and its performance implications: An empirical investigation of emerging economy. // Journal of Cleaner Production. 2021. Vol. 285. DOI: 10.1016/j.jclepro.2020.124809.
16. Xu L. D., Xu E. L., Li L. Industry 4.0: State of the art and future trends. // International Journal of Production Research. 2018. Vol. 56, № 8. P. 1-22. DOI: 10.1080/00207543.2018.1444806.
17. Shafqat N., Masood A. Comparative analysis of various national cyber security strategies. // International Journal of Computer Science and Information Security. 2016. Vol. 14, № 1. P. 129-136.